2008 йил, 20 июнь, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 118 (11.179)

Баҳоси эркин нархда

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**●Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ҳамда «Фидокорлар» миллий демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.**

**●Термиз шаҳрида ҳакамлик судларини ва низоларни ҳал этишнинг бошқа муқобил усулларини ривожлантиришга кўмаклашиш мавзуида семинар бўлиб ўтди. Республика Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда ҳуқуқшунослар, тадбиркор ва фермерлар иштирок этди.**

**●Кеча Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан уюштирилган матбуот анжуманида соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, тизим фаолиятини автоматлаштириш мақсадида жорий этилган дастурий маҳсуллар ҳамда солиқ тўловчиларнинг солиқ идоралари билан муносабатларида интерактив хизмат турларидан фойдаланиш хусусида сўз борди.**

**●Кеча Миллий матбуот марказида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш фонди ҳамда «Норма» газетаси таҳририяти билан ҳамкорликда ташкил этилган «Босма оммавий ахборот воситаларида медиа-бизнесни юритиш асослари» мавзусида семинар бўлиб ўтди.**

**●Жиззахдаги Ёшлар шаҳарчасида гимнастика саройи қурилиб фойдаланишга топширилди. Мажмуа қурилишига 103 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси эса 9,5 миллион сўмлик спорт анжомларини совға қилди. Ҳозир бу ерда бадиий гимнастика, шахмат-шашка тўгараклари фаолият кўрсата бошлади.**

**●Фарғона шаҳридаги Аҳмад ал-Фарғоний номидаги маданият ва истироҳат боғида гуллар байрами тадбири ўтказилди. Тадбирда нафақат гуллар, балки ноёб қушлар, ҳайвонот олами ҳам намойиш этилди, «Энг обод маҳалла», «Обод хонадон», «Озода корхона» танловлари ғолиблари ҳам аниқланди.**

**●Урганч шаҳрида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида ёшлар форуми ўтказилди. «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида уюштирилган тадбирда вилоятдаги касб-ҳунар коллежлари ва мактаблар ўқувчилари иштирок этди.**

**●Наманган шаҳрида «МРТ Текстиль» хорижий корхонаси ташкил этилди. Пахта толасидан калава ип тайёрлашга ихтисослашган ушбу корхонага жами 23,7 миллион АҚШ доллари микдорида сармоя киритилади. Корхонанинг биринчи босқичи ишга тушиши билан 550 киши доимий иш жойига эга бўлади. Йилига 8 минг тонна пахта ҳосили қайта ишланиб, 4 минг тонна калава ип тайёрланади.**

### ЖАҲОНДА

**●Бугун Брюсселда бўлиб ўтаётган Европа Иттифоқи саммитида саммитни кенгайтириш, Лиссабон шартномасининг қабул қилиниши масалалари кўриб чиқилмоқда. Саммит қатнашчилари Кубадан иқтисодий санкцияларнинг олиб ташланганлигини маъқуллашди.**

**●Кеча Испания қироли Хуан Карлос I расмий ташриф билан Россия Федерациясига келди.**

**●Европа Парламенти Страсбургда Европа Иттифоқида ноқонуний муҳожирларга қарши курашувчи янги қонунни қабул қилди. Мазкур ҳужжатга кўра, таклиф этилмаган муҳожирларга ЕИ ҳудудидан ихтиёрий равишда чиқиб кетиши учун 30 кун муҳлат берилади. Агар ноқонуний муҳожир бу қоидага риоя қилмаса, у олти ойдан бир ярим йилгача қамалиши мумкин бўлади ва беш йилгача ЕИ ҳудудига кириш ҳуқуқидан маҳрум этилади.**

**●АҚШда Федерал тадқиқотлар бюроси томонидан уч ой давомида амалга оширилган махсус операциядан сўнг уй-жой савдоси билан шуғулланувчи брокерлар, қурилиш ташкилотлари раҳбарлари ва банклар ходимларидан иборат 400 кишидан ортиқ фирибгарлар гуруҳи қўлга олинди. Уларнинг миллиард доллардан ортиқ микдордаги қинғир ишларни амалга оширганликлари маълум бўлди. Бу маълум маънода Америкада ипотека таназзулининг юзага келишига ҳам ўз таъсирини кўрсатган.**

**●Кеча Москвада 30-халқаро нуфузли кинофестиваль ўз ишини бошлади. Унинг дастуридан кейинги пайтларда суратга олинган 16 та энг сара фильм ўрин олган.**

**●Кеча Россиянинг Капустин-Ярдаги космодромидан «Космос-3 М» ракета элтувчи воситаси коинотга муваффақиятли парвоз қилди. У космосга ушбу дастурнинг ҳамкорлари бўлган Германия ҳамда АҚШнинг олтита сунъий йўлдошини олиб чиқади.**

**●Ҳиндистоннинг шарқий қисмидаги бешта штатда тинимсиз муссон ёмғирлари ёғиши оқибатида 38 киши ҳаётдан кўз юмди. Хавфли жойлардан бир неча ўн минглаб одамларни кўчириш чоралари кўрилмоқда.**

**●Москва шаҳрида шахсий автомашиналарга номаълум кимсалар томонидан ўт қўйиш ҳолати давом этмоқда. Биргина 18 июнь куни Россия пойтахти ва шаҳар остонасида 13 та автомобилнинг кули кўкка совурилган. Ўт қўювчини қўлга олишнинг иложи бўлмаяпти. 30 майдан шу кунга қадар 60 нафар москвалик уловидан айрилган. Жиноятчи фақат кумуш рангдаги қимматбаҳо хориж маркали автомобилларга ўт қўйиб кетмоқда. Ўт қўйиш усуллари ҳам бир хил.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
***ФАРМОНИ***

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЛИЙ ТЕХНИК МАКТАБИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 15 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини муваффақиятли амалга ошириш, ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қодир бўлган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, ёшларни она Ватанга садоқат руҳида ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, илмий-тадқиқот соҳасида эришаётган ютуқлари ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:*

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси"

**Сираджитдинов Али Бурханович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби кафедра бошлиғи

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор"

**Усманов Миржалил Хамитович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби илмий-текшириш маркази бошлиғи

*Мамлакатимиз ёнғин хавфсизлиги тизимини жаҳон андозалари асосида ривожлантириш, таълим-тарбия жараёнига илғор педагогик технологияларни жорий этиш, ёшларни миллий ва умумбашарий қадриятларга таянган ҳолда ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:*

### "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан

**Мавлянкариев Бахтиёр Абдугафурович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби профессори

### "Меҳнат шуҳрати" ордени билан

**Вахабов Бахтиёрджан** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби кафедра бошлиғи

### "Дўстлик" ордени билан

**Ануфриев Сергей Иванович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби катта ўқитувчиси

### "Содиқ хизматлари учун" медали билан

**Атабаев Шаназар** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби илмий-текшириш маркази бошлиғининг ўринбосари

**Мансурходжаев Нигматилла Ахмоджонович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби кафедра бошлиғи

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2008 йил 19 июнь*

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**





**ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ЭНГ ГАВЖУМ ГЎШАЛАРИДАН САНАЛМИШ ТОШКЕНТ «ШИМОЛИЙ» ТЕМИР ЙЎЛ ВОКЗАЛИ БУГУНГИ КУНДА ЎЗГАЧА ҚИЁФА КАШФ ЭТГАН. КЎРКАМ ВА САЛОБАТЛИ БИНО, БУ ЕРДА КЕЛИБ-КЕТУВЧИЛАРГА ЯРАТИЛГАН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР, ЁН-АТРОФДАГИ ОБОДЛИК ВА КЎКАЛАМЗОР МАЙДОН ДИЛИНГИЗНИ РАВШАН ЭТАДИ.**

*Бунёдкорлик*

## КЎРКАМ ВА ҚУЛАЙ

Шунингдек, жамоат транспорти ҳайдовчиларига ва йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида бунёд этилган шоҳбекат, унинг ёнидаги пиёдалар ўтиши учун мўлжалланган соябонли кўприк хизматидан ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонлари баҳраманд бўлишмоқда.

Бугунги кунда ушбу ҳудудда яна бир улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Мирсолиҳов кўчасидаги (аввалги Сарикўл) темир йўл кўприги қайта бунёд этилмоқда. Транспорт воситалари кундан кунга кўпайиб бораётган бугунги кунда кўприк тагидан ўтадиган йўл анчагина тор бўлиб, тиғизликлар вужудга келаётган эди. Ана шуни ҳисобга олган ҳолда ва транспортчи-ю йўловчиларга қулайликлар яратиш, вақтини тежаш, авария ҳолатларининг олдини олиш мақсадида темир йўл кўпригини қайта қуриш, унинг остидан ўтадиган автоулов йўлларини кенгайтириш, трамвай изларини янгидан таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.



Ҳозирда улкан қурилиш майдонига айланган мазкур объектда бунёдкорлик юмушлари қизигандан қизиган. Унинг асосий боиси эса бунёдкорлар кўприк ва йўлни қисқа фурсатларда қуриб битказиб,Мустақиллигимизнинг 17 йиллик шодиёнасини ёруғ юз билан кутиб олиш ниятидалар.

Бунёдкорлик ишларининг бош пудратчиси пойтахтимизда ва мамлакатимиз вилоятларида равон йўл ва мустаҳкам, замонавий кўприклар қуришда бир неча йиллардан буён тажриба тўплаган «Кўприкқурилиш» трестининг 13-кўприк қурилиш отрядидир. Шунингдек, бир қанча ёрдамчи пудратчи ташкилотлар ҳам жалб этилган бўлиб, уларнинг барчаси лойиҳадаги ишларни муваффақиятли бажаришда ҳамжиҳатликда меҳнат қилмоқда. Замонавий техникалар қуввати, кўприксозлар маҳоратидан унумли фойдаланилмоқда.

—Айни пайтда темир йўл кўприги ва унинг остидан ўтадиган йўл қурилишида 40 нафардан зиёд бунёдкор ва кўприксозлар ишлашмоқда,—дейди участка бошлиғи Рафаэл Турабеков. —Эндиликда янги қурилаётган кўприк аввалгига қараганда бирмунча баланд ҳамда кенгроқ бўлади. Яъни кўприк ости йўлининг кенглиги 22 метрни ташкил этади. Бу икки томонлама юрадиган автоуловлар ва кўприк остидан ўтувчи трамвайлар учун қулайлик туғдиради. Шу ўринда бунёдкорлик ишларини жадаллаштиришда сидқидилдан ҳисса қўшаётган пайвандчи Рамил Шарафиев, монтажчи Дилшод Бўтаев, бригада сардори Алексей Леденёв сингарилар номини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Кўприксозлар ўз вазифаларини адо этишар экан, ҳозирги ёзнинг саратонини ҳам писанд қилишмай, ўзларига етказиб берилаётган қурилиш ашёларидан, вақтдан унумли фойдаланишмоқда. Мақсад эса ваъдаларини муваффақиятли бажариб, темир йўл кўпригини талаблар даражасида мустаҳкам, тез ва соз бунёд этишдир.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: участка бошлиғи Рафаэл Турабеков ва монтажчилар бригадири Алексей Леденёв ишлар кўнгилдагидай бажарилишини кузатиб боришади; пайвандчи Рамил Шарафиев ўз ишининг устаси; бунёдкорларга техника воситалари мададкор бўлмоқда.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

**ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МАРКАЗИДА 19 ИЮНЬ КУНИ САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН — ЛИТВА ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

*Ўзбекистон – Литва:*

## ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, ёқилғи-энергетика, банк-молия, қишлоқ ва сув хўжалиги, озиқ-овқат, кимё, енгил саноат, транспорт ва транспорт коммуникациялари, қурилиш материаллари, металлургия, сайёҳлик, мебелсозлик каби соҳаларда фаолият кўрсатаётган қатор вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари, комиссия ҳамраиси А.Камолов мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2002 йил сентябрь ойида Литва Республикасига расмий ташрифи ўзаро муносабатларни янги босқичга кўтариш имкониятларини очиб берди.

Литва Ўзбекистоннинг муҳим ҳамкорларидан. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари кўплаб соҳаларда жадал ривожланиб бормоқда. Мазкур комиссия мажлисининг мунтазам ўтказиб келинаётгани ўзаро иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор эканидан далолатдир. 2007 йили мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 72,4 миллион АҚШ долларини ташкил қилди.

Юртимизда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда иш юритиш учун яратилган қулай сармоявий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар, изчил давом этаётган хусусийлаштириш жараёни кўплаб давлатлар қатори Литва ишбилармонларининг ҳам мамлакатимиз билан ҳамкорликка эътиборини тобора кучайтирмоқда. Ўзбекистонда Литва сармояси иштирокида йигирмадан зиёд қўшма корхона фаолият кўрсатаётир. Улар тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, пойабзал, машинасозлик, электротехника саноати каби соҳаларда иш юритади.

Ўзбекистондан Литвага пластмасса ва пластмасса буюмлар, нефть кимёси маҳсулотлари, механик ускуналар, пахта толаси, қора металлар, мева-сабзавот каби маҳсулотлар экспорт қилинади. Литвадан Ўзбекистонга транспорт воситалари, сут, шакар ва қандолат маҳсулотлари, кимёвий тола, резина, мебелсозлик маҳсулотлари импорт қилинади.

— Литвада Ўзбекистон билан барча соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиш катта, — деди Литва Республикаси транспорт ва коммуникациялар вазирининг ўринбосари, комиссия ҳамраиси Чесловас Шикшнялис. — Келгусида мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солган ҳолда икки томон учун ҳам манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

Мажлисда мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни, транспорт ва транспорт коммуникациялари ҳамда сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, қўшма корхоналар сони ва ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини кўпайтириш, биргаликда истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири**

## Қисқа сатрларда

**●БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида «Умуминсоний қадриятлар, анъаналар ва урф-одатлар—ҳаётимиз кўрки» мавзуида туман маданият ва спорт ишлари бўлими, Маънавият тарғибот марказининг туман бўлими ҳамкорлигида уюштирилган давра суҳбатида ёшлар иштирок этишди.

**●БУГУН** Миробод туманидаги Баротхўжа маҳалласида маҳалла ёшлари иштирокида туман маданият ва спорт ишлари бўлими, Ғафур Ғулом номли маданият уйи ҳамкорлигида «Очиқ дарс» тадбири ўтказилди.

**●ЭРТАГА** «Фотон» очиқ акциядорлик жамияти қошидаги «Машъал» болалар ёзги оромгоҳида Миробод туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан ўтказиладиган тадбир «Ёз — ўтмоқда соз» деб номланди.

**●ТОШКЕНТ** шаҳрида Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида билим олишни истаган ёшлардан ҳужжатлар қабул қилина бошланди.

**● ЎҚУВЧИЛАРНИНГ** ёзги таътилининг мазмунли ўтишига муносиб ҳисса қўшишни ният қилган «Шарқ» нашриёт- матбаа акциядорлик компанияси томонидан болалар учун ўндан ортиқ номда бадиий адабиётлар чоп этилди.

*(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).*

№ 118 (20.06.2008)

# МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШ ВА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Мувофиқлаштирувчи кенгаш иш режасига асосан жорий йилнинг 15-16 май кунлари «BestSoft - Uzbekistan 2008» дастурий маҳсулотлар кўргазмаси ва дастурий маҳсулот ишлаб чиқарувчи компанияларнинг миллий форуми, ихтисослаштирилган иш ўринларига вакансиялар ярмаркаси ташкил этилгани таъкидланди. Айни пайтда, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Тараққиёт сари" теледастури, "InfoCOM.uz" журнали орқали АКТ соҳасидаги янгиликлар ва уларни қўллаш истиқболлари масалалари мунтазам ёритиб борилмоқда. "InfoCOM.uz" ахборот-таҳлил журнали томонидан Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги кўмагида "АКТ журналистикаси соҳасидаги 2008 йилнинг Миллий мукофоти" танлови ташкил этилиб, унга оммавий ахборот воситаларида чоп этилган икки юздан ортиқ мақола тақдим этилди.

Вазирлик ва идоралар томонидан давлат ахборот ресурслари, давлат органларининг ахборот тизимлари ва интерактив давлат хизматлари сони ва сифати яхшиланаётгани, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан телемедицинани ривожлантиришга доир лойиҳаларни амалга оширишни тезлаштириш мақсадида Электрон соғлиқни сақлашни ривожлантириш «UzMedInfo» маркази ташкил этилгани, ахборот жамиятини шакллантиришнинг долзарб йўналишлари ва республикада давлат бошқарувига электрон технологияларни кенг жорий этиш бўйича давлат ва хўжалик бошқарув органлари ходимлари учун стратегик тренинг-курслар ташкил этиш сингари тадбирлар амалга оширилаётгани қайд этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига асосан ташкил этилган Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғи — ZiyoNETни янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан Олий ва ўрта махсус таълим ва Халқ таълими вазирликларига ҳамда тармоққа уланувчи бошқа вазирлик ва идораларда олиб борилаётган ишларни янада жадаллаштириш бўйича тегишли топшириқлар берилди.

Давлат бошқаруви органлари, банк ва молия тизимлари, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари, йирик корхоналарда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ишларининг аҳволини объектив мезонлар асосида таҳлил қилиш ва баҳолаш жуда долзарб вазифа эканлигини инобатга олиб, Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан бундай баҳолаш тизими лойиҳаси ўрганиб чиқилди ва барча давлат органлари, корхоналари ҳамда муассасаларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини мунтазам равишда таҳлил қилиб боришга қарор қилинди.

Электрон таълим ресурсларини янада кўпайтириш ва сифатини ошириш мақсадида ҳамда масофавий таълим тизимларини ривожлантиришни жадаллаштириш учун йиғилишда Электрон таълим ресурслари тўғрисидаги низом лойиҳаси ва педагог кадрларнинг малакасини масофадан ошириш тизимини яратиш ва жорий этиш пилот лойиҳаси кўриб чиқилди.

Йиғилишда кенгашнинг тегишли қарори қабул қилинди.

**(ЎзА)**

# МОСКВАДА ОРОЛ МУАММОСИГА БАҒИШЛАНГАН КЎРГАЗМА

**М.В.ЛОМОНОСОВ НОМИДАГИ МОСКВА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИДА ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИДАГИ ЭКОЛОГИК ИНҚИРОЗ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВАЗИЯТГА БАҒИШЛАНГАН ФОТОКЎРГАЗМА БЎЛИБ ЎТДИ.**

Ўзбекистонлик таниқли фоторассомларнинг Орол денгизи ва унга туташ ҳудудлардаги экологик фожиага бағишланган асарлари «Университетлар таълимнинг янги сифати йўлида» мавзуига бағишланган халқаро анжуман иштирокчилари ва меҳмонларининг диққат-эътиборини жалб этди. Фотокўргазма Россия ва МДҲ мамлакатларининг қарийб барча олий ўқув юртлари раҳбарлари иштирок этаётган мазкур йиғилиш мавзусини тўлдириб, унга янгича маъно бағишлади.

— Орол денгизи ва унинг ҳудудида яшовчи инсонлар ҳаётига бағишланган кўргазма анжуманнинг барча иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди, — деди МДУ проректори Н.Сёмин. – Кўргазмада намойиш этилган ҳужжатли лавҳалар, жумладан, космосдан олинган фотосуратлар, ўзбекистонлик истеъдодли сураткашларнинг асарлари бугунги глобаллашув шароитида экологик хавфсизлик ва таълим бир-биридан ажралмас тушунчалар эканини чуқур англашимиз нақадар муҳимлигини яна бир бор тасдиқлаб берди.

Илгари мазкур кўргазма Ўзбекистон Республикасининг Москвадаги элчихонасида ўтказилган эди. Бўлиб ўтган давра суҳбати иштирокчилари, жумладан, Россия Фанлар академияси (РФА) академиги О.Ф.Васильев, РФА Сув муаммолари институти лабораторияси мудири М.В.Болгов, жўғрофия фанлари доктори Н.М.Новикова, «Сувдан фойдаланувчилар иттифоқи» жамоат бирлашмаси вице-президенти, профессор Ю.Богомолов каби россиялик таниқли олим ва экспертлар Орол денгизи муаммоси билан атрофлича танишиш имконига эга бўлгандилар.

Олимлар жорий йилнинг март ойида Тошкентда бўлиб ўтган «Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генофонди, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсига таъсири ҳамда оқибатларини енгиллаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари» мавзуидаги халқаро конференция натижаларини тўла қўллаб-қувватладилар.

РФАнинг А.М.Обухов номидаги атмосфера физикаси институти лабораторияси мудири И.Гранбергнинг фикрича, конференция дунё миқёсидаги муаммога айланиб улгурган Орол минтақасидаги инқироз нақадар оғир тус олганини яна бир бор намойиш этди.

— Бундай шароитда минтақадаги трансчегаравий дарёлар сувидан халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва қўшни мамлакатларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда биргаликда фойдаланиш лозим, — деди россиялик олим. — Бу фикр Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йил августида Бишкекда бўлиб ўтган ШҲТ саммитида сўзлаган маърузасида ҳам акс этган бўлиб, Ўзбекистон раҳбари бу масала минтақа давлатларининг алоҳида эътиборини талаб этишига урғу берганди.

Яқинда Москвада бўлиб ўтган «Экстремал шароитларда сув-ресурс тизимларини бошқариш» мавзуидаги нуфузли конференция ҳам Россия илмий доиралари ва халқаро жамоатчиликнинг Орол мавзусига қизиқиши ортиб бораётганидан далолат беради. Тадбир Россия Федерацияси сув ресурслари федерал агентлиги ҳамда Голландия сув шериклиги (NWP) томонидан ташкил этилган эди.

Россия, Голландия, Бельгия, Дания, Швейцария, Германия, Польша, Украина ва бошқа кўплаб мамлакатлардан келган мутахассислар тадбир доирасида Орол инқирози ва минтақада истиқомат қилаётган аҳолига кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳақида тасаввур уйғотувчи фотокўргазма билан танишиш имкониятига эга бўлди.

**«Жаҳон» АА.**
**Москва.**

*Кўргазмалар*

# ЁШЛАРНИНГ ЭНГ САРА АСАРЛАРИ

**МАМЛАКАТИМИЗДА ЁШЛАРГА БЎЛГАН ЭЪТИБОР ҲАР ЖАБҲАДА ЎЗЛИГИНИ НАМОЁН ҚИЛМОҚДА. ЯҚИНДА ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ ХАЛҚАРО МАДАНИЯТ КАРВОНСАРОЙИДА ОЧИЛГАН «ТАХАЙЮЛ ВА БОРЛИҚ» ДЕБ НОМЛАНГАН КЎРГАЗМА ҲАМ ЁШЛАР ЙИЛИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ ВА ХАЛҚАРО МАДАНИЯТ КАРВОНСАРОЙИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ.**

Унда ёш иқтидорли рассомлар Шаҳноза Миркарим, Ойзода Жуманиёз, Агата Асфандиярова ва Екатерина Акининаларнинг сара асарлари намойиш этилмоқда.

Бу иқтидорли қизлар дунёни, борлиқни, ўзлари яшаётган оламни шу қадар рангин жилоларда меҳр билан тасвирлаганларки, беихтиёр ўша оламга кириб қолгандай сезасиз ўзингизни. Екатерина асосан табиат ва отларни ўз чизгиларида тасвирлаган бўлса, Агата виқорли, қорли тоғларни, юксак чўққиларни, кўркам, гўзал қиру адирларни, бепоён далаларни ўз бўёқларида жонлантиради. Ойзода Жуманиёз хаёлот оламидаги персонажларни график услубда қоғозда эркин тасвирлайди. Шаҳноза Миркарим эса ҳам олам, ҳам одамлар ичида ўз дунёсини яратади.

Ҳар бир сурат ўзига хослик билан яратилганки, ундаги бўёқлар ҳам шунга мос равишда танлаб олинган.

—Мен жуда ёшлигимдан тасвирий санъатга меҳр қўйганман,—дейди Ойзода Жуманиёз.—«Дунёни билгим келади» болалар энциклопедиясини безашда ҳам ўз ҳиссамни қўшганман. Хаёлот оламидаги персонажларни график услубда қоғозда эркин тасвирлашга ҳаракат қиламан. Асарларимда пластика ва динамикага эътиборимни кўпроқ қаратаман. Жорий йилнинг январь ойида Ўзбекистон Бадиий академиясида ўзимнинг шахсий кўргазмамни ҳам мухлислар эътиборига ҳавола қилдим. Июль ойида эса тўртинчи график асарларим тўплами намойиш қилинади. Бу менинг иккинчи шахсий кўргазмам ҳисобланади. Келажакда ватанимизнинг кўрку жамолини янаям гўзал услубларда чизишга ҳаракат қиламан.

— Мен ҳозир 17 ёшдаман,— дейди Екатерина Акинина. Ёшлар йили муносабати билан юртимизда ёшларга жуда кўплаб имкониятлар эшиги очилмоқда. Бугунги кўргазма менда жуда катта таассурот қолдирди. Шу билан бирга тенгдошларим асарлари билан янада яқинроқ танишишга муяссар бўлдим. Улар билан ўзаро фикр алмашиб, дўстлашиб ҳам олдим. Ҳамкорликдаги бундай учрашувлар ёшларни янада бирлаштиради ва ҳамкорликка чорлайди.

Дарҳақиқат, юздан ортиқ суратлар ўрин олган мазкур кўргазмани дўстлик, ҳамкорлик ва танишув кўргазмаси деб атасак ҳам бўлади. Чунки бунда тўртта гўзал, иқтидорли қизларнинг асарлари бир вақтнинг ўзида намойиш қилинмоқда.

**Шоира МАҲМУДОВА**

**СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар**

**Алексей Попов олган суратлар**





# БЕҒАРАЗ ДОНОРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА

**ЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТИ, ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ВА ҚИЗИЛ ХОЧ ТАШКИЛОТИ, ХАЛҚАРО ҚОН ДОНОРЛАРИ ЖАМИЯТЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ, ҚОН ҚУЙИШ ХАЛҚАРО ЖАМИЯТИНИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН ҲАР ЙИЛИ ХАЛҚАРО ҚОН ДОНОРЛАРИ КУНИ КЕНГ НИШОНЛАНИБ КЕЛИНАДИ.**

Донорлар кунининг махсус сана сифатида нишонланиши кишиларнинг донорларга бўлган миннатдорчилиги, халқ эътибори, ҳурмати билан белгиланади. Чунки, донорлик меҳр-мурувват, саховат демакдир. Донор сўзи эса лотинча бўлиб, ҳадя қилиш маъносини билдиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳозирги даврда қон ва ундан олинадиган препаратлар тайёрлаш учун ишлатиладиган сунъий манба йўқ. Ана шу ҳолатни ҳисобга оладиган бўлсак, —дейди Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси «Қон препаратлари» илмий-ишлаб чиқариш корхонасининг директори Зуҳрахон Убайдуллаева, —ҳозирги пайтда донорларнинг, айниқса, бадалсиз қон топширувчи донорларнинг сони қанча кўп бўлса, қон ва унинг препаратлари ҳам етарли даражада бўлади. Бу эса минглаб беморларнинг ҳаётини сақлаб қолишга ёрдам беради.

Донор ўз қони ва унинг таркибий қисмларини тиббиёт учун ихтиёрий берувчи киши ҳисобланади.

2002 йилнинг 30 августида қабул қилинган «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги» тўғрисидаги қонуннинг мақсади фуқаролар соғлиғини мустаҳкамлашдан иборатдир. Ушбу қонун донорликни ташкил қилишда маҳаллий ҳукумат вакилларининг корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг фаоллигини оширишга йўналтирилган бўлиб, бу жараёнларда уларнинг жавобгарлигини орттиради. Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлигининг асосий тамойиллари унинг ихтиёрийлиги, қон топширувчи учун зарарсизлиги, у топшираётган қондан фойдаланиш хавфсизлигига асосланади.

Ўзбекистон Республикаси бадалсиз донорлик фаолиятини ривожлантириш Дастурида мамлакатимизда қон хизматини янада ривожлантириш, бадалсиз қон топширувчи донорлар сонини кўпайтириш масалаларига кенг ўрин берилган.

Бугунги кунда Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳа асосида мавжуд қон қуйиш тизимини қайта ишлаб чиқиш ҳамда турли аҳоли қатламларини кўнгилли, беғараз донорликка жалб қилиш ишларини йўлга қўйиш орқали хавфсизлигини таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Республикамиз, қолаверса пойтахтимизда халқаро донорлар кунини нишонлашга «Ёшлар йили»да алоҳида тайёргарлик кўрилди.

Жумладан, «Қон препаратлари» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар кенгаши, «Қон-инсонлар хизматида» нодавлат жамоат жамғармаси, Республика «Камолот» Ёшлар Ижтимоий Ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши билан ҳамкорликда беғараз донорликни такомиллаштириш мақсадида хайрия акциясини ўтказди. Шу куни илмий ишлаб чиқариш корхонасига шаҳримиздаги соғлиқни сақлаш муассасаларидан тиббиёт ходимлари ҳамда «Камолот» ЁИҲ сардорлари бирин-кетин кела бошладилар.

Қон топширишни энг аввало қайд этиб ўтилган ташкилотларнинг раҳбарлари бошлаб бердилар. «Қон препаратлари» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари З.Убайдуллаева, «Қон—инсонлар хизматида» нодавлат жамоат жамғармасининг ижрочи директори Ш.Очилов, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Яккасарой туман кенгаши раиси Н.Маъмурова, Республика «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар кенгаши бўлими мудири Г.Содиқова бир нафасга ўз хизмат ўриндиқларини донорларнинг қон топширишлари учун махсус мосламага алмаштириб, қон топшириш учун зарур бўлган либосларни кийиб, донорга айландилар. Улардан сўнг ихтиёрий, беғараз донор бўлиш учун келган фуқароларимиздан эллик нафардан ортиқроғи қон топширдилар.

—Бизнинг нодавлат жамоат жамғармамиз, —дейди «Қон—инсонлар хизматида» жамғармасининг ижрочи директори Шуҳрат Очилов, — халқаро донорлар кунига катта тайёргарлик кўрди. Аввало жамғарманинг вилоятлардаги бўлимлари фаолияти янада мунтазамлашди. Биз июнь ойи мобайнида жойларда «Донорлик ойи»ни ўтказишни режалаштирганмиз. Шу давр ичида донорларнинг қон топшириш маросимлари ўтказилди. Энг фаол донорлар рағбатлантирилди.

— Донорлар кунини «Ёшлар йили»да ўтказилаётгани алоҳида аҳамият касб этади, —дейди Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Умидахон Муҳамедова. — Биз ушбу жараёнга ёшларни кўпроқ жалб этишга ҳаракат қилмоқдамиз. Ҳар бир ёш мамлакатимиз қон захирасини тўлдиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш борасида саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда.

Ҳа, мамлакатимизда қон хизмати ташкил қилишга давлат аҳамиятига молик масала сифатида қараб келинаётгани жуда муҳимдир. Инсон саломатлигини мустаҳкамлашда қон хизмати, донорлик масалаларида муаммолар юзага келмаслиги учун давлат ташкилотлари ҳам, турли жамғармалар ҳамда фуқароларимиз ҳамкорлигида фаол ҳаракатни мунтазам давом эттириб боришлари лозим, назаримизда.

**Шавкат ЁҚУБОВ,**
**«Қон препаратлари» илмий-ишлаб чиқариш корхонасининг матбуот хизмати раҳбари**

*Иқтисодиёт*

# «MIROB-DIZAYN» ҚУВУРЛАРИ

**«MIROB-DIZAYN» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИНИНГ МАҲСУЛОТЛАРИ СИФАТИ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ БОИС, ИЧКИ БОЗОРИМИЗДА МУНОСИБ ЎРИН ЭГАЛЛАГАН.**

Мазкур жамият аҳлининг полимерли ичимлик ва оқава сув қувурлари, «PPRS» русумидаги алюмин фольгали сантехника тизимлари ҳамда иссиқ сув учун мўлжалланган қувурлар ҳамда шу русумдаги фитинглари айниқса, харидоргир ҳисобланади. Уларда қўлланилган материаллар қатор афзалликлари билан шу турдаги маҳсулотлардан ажралиб туради.

Биринчидан, иқлим шароитимизга мослиги, енгил, мустаҳкам, узоқ муддат хизмат қилиши ва инсон саломатлигига зарарсиз эканлиги, қувурлардан бирон нохуш ҳид келмаслиги, асосийси, сув таъминини ўзгартирмаслиги билан ажралиб туради. Қувурларни тайёрлашда ишлатиладиган махсус хом ашё уч турдан иборат бўлиб корхонанинг замонавий лабораториясида керакли синовлардан ўтказилади, уларнинг барчаси иссиққа, босимга чидамли, кимёвий таъсирларга бардошли ҳисобланади.

Шунингдек, корхона аҳли 20-60 дециметрли қувурлар учун кўплаб турдаги уловчи деталлар (қисмлар)ни ҳам тайёрлайди: муфта, уловчи қисмлар, резьбали қопқоқлар, вентиль, шаблон, боғловчи каби 30 турдаги маҳсулотлар шулар жумласидандир. «Mirob-dizayn»чиларнинг ишлаб чиқараётган импорт ўрнини босувчи, қулай қувурлари сифат сертификатларига эга.

# ҲУНАР СИРЛАРИДАН САБОҚ БЕРМОҚДА

**АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР, УРФ-ОДАТЛАР КЎП АСРЛИК ТАРИХГА ЭГА, ИЛДИЗИ УЗОҚ-УЗОҚ ЎТМИШИМИЗДАН САДО БЕРУВЧИ ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ — ҲУНАРМАНДЧИЛИК БУГУНГИ КУНДА ҲАМ ЭЪЗОЗДА. ҲУНАРМАНДЧИЛИКНИНГ ЁШЛАРИМИЗ ҲИСОБИГА РИВОЖЛАНИБ БОРАЁТГАНИ ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИДАНДИР.**

Шайхонтоҳур туманида фаолият кўрсатаётган ёш, ғайратли ҳунармандлар орасида Азизбек Исроилов ўзининг ҳунари —миниатюрачиликка меҳр-муҳаббати, интилиши, ижодий изланиши билан алоҳида ажралиб туради. У устозлардан олган сабоқлари, миниатюра санъатининг нозик машаққатла эришиладиган сир-синоатларини пухта ўзлаштирган. Республика рассомчилик коллежида устозлардан олган сабоқлари, изланишлари туфайли тинимсиз ижодий меҳнат қилди.

Ҳозирда Азизбекнинг 35 хилдан ортиқ бир-биридан гўзал, бежирим безакланган, бетакрор нақшлар туширилган турли ҳажм ва шаклдаги қутичалари, қаламдон, шунингдек, санъат даражасидаги тарихий мавзуларни ўз ичига олган қовоқларга чизилган миниатюралари нафақат ҳамюртларимизни, балки хорижликларни ҳам мафтун қилмоқда.

Доимий касб-маҳорати, билимини бойитишга интилаётган, ижоди гуллаётган ҳунарманд қалб қўри қўшиб ишланган маҳсулотлари билан кўплаб кўрик-танловлар, ярмарка, санъат байрамларида қатнашди. Тиниб-тинчимас уста ҳозирда 5 нафар қизиқувчан ёшларга устозлик қилмоқда.

**Муқаддас УМАРБЕКОВА**

*Таълим*

# ҲИНД ДИЁРИГА ЙЎЛЛАНМА

**ИҚТИСОДИЙ ЙЎНАЛИШДАГИ ТАЛАБА ЁШЛАРНИНГ ЙИЛЛИК РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ БИР НЕЧА НОМИНАЦИЯЛАРДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

«Энг яхши талаба» деган номинацияда фаол қатнашиб келаётган Мадина Садвокасова ўз иқтидорини намоён этди.

«Келажак илми» халқаро бизнес-мактабининг бу талабаси ҳинд тилини пухта эгаллаш билан ҳам шуғулланмоқда. Ғолиб толиби илм сифатида Ҳиндистонда ўқишни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритди. Бундай имтиёз Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан берилди.

# ЛИЦЕЙЛАРГА СОВҒА

**ФРАНЦУЗ ТИЛИДА ЯНА БИР ДАРСЛИК ЧОП ЭТИЛДИ. АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР УЧУН МАХСУС ЯРАТИЛГАН БУ ЯНГИ ЎҚУВ АДАБИЁТИ ЎЗ МУНДАРИЖА ВА МАЗМУНИ БИЛАН ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАР ТАЛАБИГА ЖАВОБ БЕРАДИ.**

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети француз филологияси факультети бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари муаллифлигида босмага тайёрланган дарслик маҳаллий материалларга ҳам бой. Ўзбек ва француз адабиётини ўзаро боғлаб ўрганишда ҳам у бадиий манба бўлиб хизмат қилади. Француз тили дарслиги янги ўқув йилига яхши совға бўлди.

# ДАРСЛИКНИНГ УЧИНЧИ НАШРИ

**РУС ТИЛИ ДАРСЛИГИНИНГ НАВБАТДАГИ УЧИНЧИ НАШРИ БОСМАДАН ЧИҚДИ.**

Профессор Раъно Толипова раҳбарлигидаги муаллифлар гуруҳи томонидан яратилган бу китоб дастлаб 1995 йилда чоп этилган эди. Таълим ўзбек тилида олиб борилаётган мактаблар 5-синф ўқувчиларининг асосий ўқув адабиётига айланган мазкур дарсликда ёритилган машқларни ўзлаштиришда ўқувчилар ўзбекча-русча луғатдан ҳам фойдаланадилар.

Дарслик ўзининг матбаа ва дизайн безаги билан ҳам толиби илмлар эътиборини ўзига тортади.

**Назокат БОБАЖОНОВА**

